

ЖАЗОНИНГ МАҚСАДИ

Розиков Илхом Истамович

Тошкент давлат юридик университети мустақил изланувчиси,

Бухоро давлат университети ўқитувчиси, адвокат, медиатор.

+9989432321805 ilhomroziqov5@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18903884>

Аннотация. *Мазкур мақолада жиноий жазо мақсадлари ва айбдор шахсга таъсири ҳақидаги асосий назариялар ва қарашлар таҳлил қилинади, шунингдек уларнинг асосида жазонинг моҳияти ва унинг мақсадларини англаш ҳозирги вақтда жиноят қонунчилигида жазо ҳисобланмайдиган жиноий-ҳуқуқий характердаги бошқа, муқобил чораларнинг моҳияти аниқланади. Уларни амалда қўллаш муаммоси ҳақида фикр билдирилган.*

Жазо функцияси билан унинг мақсадларининг ўзаро нисбатига қисқача тўхталиб ўтиш лозим. Бу нафақат назарий, балки муҳим амалий аҳамиятга ҳам эгадир. Жазо функциясини амалга ошириш механизмини аниқ тушуниш ва у таъсир кўрсатувчи объектларни тўғри аниқлаш жазонинг превентив вазифасининг самарадорлигини, уни интенсив қўллаш жиноятчиликнинг динамикаси ва тузилишига қай даражада боғлиқлигини аниқлаш имконини беради. Бундай ўзаро алоқани аниқлаш жиноят ва жиноят-ижроия қонун ҳужжатларига ўз вақтида тузатишлар киритиш, уларнинг нормаларини амалга ошириш амалиётини такомиллаштириш имконини беради.

Илмий адабиётлар таҳлили жазонинг функцияси кўпинча унинг мақсадлари билан ўзаро боғлиқ деб топилганини кўрсатади¹. Жазо функцияларининг жиноят ва жиноят-ижроия ҳуқуқи функциялари билан ўзаро нисбати масаласи деярли кўриб чиқилмаган.

Унинг ечими, авваламбор, «функция» тушунчасини превентив нуқтаи назардан таҳлилдан ўтказишни назарда тутати. Бу ҳолат эса, фалсафа, социология ва бошқарув назариясида кенг қўлланилади. Ижтимоий фанларнинг ҳар бири ушбу тушунчага янги мазмун бахш этади. Ҳатто фаннинг бир соҳаси доирасида ҳам бу борада яқдиллик мавжуд эмас².

Жиноий жазонинг мақсади (давлат учун унинг аслида қандай восита эканлиги) ҳамда у қандай бўлиши (оғир ёки енгил) ва қўлланилиши (тайинланиши ва ижро этилиши) ни тушуниш бўйича профессор Н.Салаев қуйидаги фикрларни билдирганлар.

Ушбу учта компонентлар жамулжам ҳолатда ўзида жазонинг асл ва туб моҳиятини акс эттиради. Ўз навбатида, жиноий жазонинг моҳияти чуқур фалсафий мазмун касб этади.

Шу сабабли, у ҳақида теран тасаввур ҳосил қилиш учун фалсафий ёндошиш талаб этилади. Турли давлатлар қонунчилигида жазонинг мақсади бир-бирига ўхшаш бўлса-да, унинг айрим жиҳатлари ўзаро фарқланади. Лекин кўплаб давлатларда ва умуман ҳозирги замон жиноят ҳуқуқи доктринасида жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш, ижтимоий адолатни тиклаш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади, деб белгиланган.

¹ Ной.И.С. Сущность и функции правового наказания в советском уголовном праве. Саратов, 1973. С. 5; Аванесов.Г.А. Криминология. –М.: 1989. –С. 418; Гюнтер Кай-зер. Криминология. –М.: 1979. –С. 28.

² Мелентьев.М.П. Функция и структура советского исправительно-трудового права. Рязань. 1977. –С. 7-8.

Уларнинг фикрича жазонинг мақсади жиноят содир этган шахсни тарбиялаш ва жамиятга қайтаришдир. Яна бошқа фалсафий қарашларга кўра, жиноий жазо ҳар қандай давлатда жамиятни жиноий тажовузлардан қўриқлаш воситаси деган хулосага келишган.

Профессор М.Рустамбаевнинг фикрига кўра, жазони қўллашдаги умумий превенция мақсади муайян судланган шахс учун муайян жазо турини ва миқдорини белгилашда, давлат шу йўл орқали жамиятнинг бошқа аъзоларини ғайриқонуний қилмишларни содир этишдан огоҳлантиришга интилишидан иборатдир. Умумий огоҳлантиришдаги жиноий қилмишларни содир этишдан тийиб турувчи асос бундай шахсларнинг жиноятнинг кўнгилсиз оқибатлари ҳақидаги тасавури билан, яъни ҳар бир жиноий қилмиш учун жиноий жавобгарлик белгиланганлиги, жазонинг қаттиқ қўллиги даражаси жиноятнинг оғирлиги даражаси билан белгиланиши, жиноят содир этилган тақдирда жавобгарликнинг амалийлиги ва муқаррарлиги билан шартланади.

Бунда ЖКда мужассамланган жазо таҳдидининг амалийлиги фақат унинг қўлланиши ҳолатида намоён бўлишини назарда тутмоқ лозим. Бундай ҳолларда, беқарор унсурлар жазони ўзлари учун салбий оқибатлари билан зарарли бўлган жиноятнинг муқаррар оқибати сифатида қабул қиладилар.³ Олимнинг ҳозирги кундаги мазкур қарашлари утилитар жазо назарияси тарафдорларининг фикрларига мос келади.

Фақат жиноят ҳукукининг ўзигагина хос бўлган энг муҳим функцияси жазолаш билан огоҳлантириб ижтимоий муносабатларни ҳимоя қилиш ва жиноят содир қилган шахсларга нисбатан жазо қўллаш функциясидир. Жиноий жазо жиноятчиликнинг умумий ва махсус олдини олиш функциясини бажаради.⁴

Жазонинг мақсади бу энг аввало жиноят содир этган шахсни содир этган жинояти учун жазолашдан иборат. Замонавий ҳаёт шароитида жазолаш оқилона бўлиши учун қўшимча тарзда ахлоқан тузатиш, тарбиялаш, жиноятларни олдини олиш, бошқа шахсларга тарбиявий таъсир кўрсатиш нуктаи назаридан ёндошилади.

Шу билан бирга жазолаш орқали шахсни қийнаш ва бадном қилиш фикридан йироқлашиш лозим. Чунки шахс ўзи содир этган жиноятига яраша оқилона жазо тайинланганлигидан эмас, балки давлат органларининг жазолаш фаолияти кенг жамоатчиликка етказилиши орқали руҳан қийнаш ва бадном қилинганлигидан ҳамиша норози бўлиб келган.

Мазкур ҳолатда кенг оммага қаратилган, террор, экстремизм ёки қўпоровчилик ёхуд давлатга қарши қаратилган жиноятлардан ташқари, бошқа жиноятларни кенг жамоатчилик ихтиёрига ҳавола этиш ҳаракатлари, “жазо ичидаги жазо” тушунчасига мос бўлиб, ҳозирги дунё мамлакатларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида тамойилларига зид ҳисобланади.

Шахсни содир этган жинояти, унинг сабаби, жиноятчи шахси ва бошқа ҳолатлар ҳисобга олиниб, дифференциациялашган ва индивидуаллашган жазони ижро этиш тизими самарали бўлиши мумкин. Дунёнинг кўплаб давлатлари бундай тизимни аллақачон тушуниб етишган ва улар бундай усулни бир неча йилдирки муваффақият билан қўллаб келишмоқда.

³ Рустамбаев.М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Том 2. Жазо ҳақида таълимот. -Т.: Дарслик. 2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган. –2018. – 335 бет.

⁴ Усмоналиев.М. Ҳозирги замон жиноят ҳуқуқи муаммолари. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2006.– 325 бет.

Жазони ижро этиш жараёнида жазонинг мақсадлари тўла ўз аксини топиши ҳам ўта муҳим масала ҳисобланади. Яъни бунда жиноят содир этган шахс, қилмиши учун энг аввало жазоланиши, айна вақтда тарбияланиши лозим. Жазо ижроси механизми шундай бўлиши керакки, бунда ушбу ҳар иккала мақсад ўзаро муштарак ва ҳамоханг бўлмоғи лозим.⁵ Тарихдан биламизки, ҳатто оғир жазо босими остида ҳам жиноятчиликни олдини олишга эришиш мушкул.

Ўзбекистон Республикасининг 1926 йил ва 1959 йилда қабул қилинган Жиноят Кодексларида жазо тушунчаси берилмаган эди. Фақат 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Жиноят кодексида жазонинг қонундаги тушунчаси берилди. Бунгача жазо тушунчаси фақат жиноят ҳуқуқи назариясида ишлаб чиқилган эди.

ЎзР ЖК 42-моддасига кўра «Жазо жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланадиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат бўлган мажбурлов чорасидир»⁶.

Демак, жиноий жазо давлатнинг мажбурлов чораси бўлиб, фақат жиноят содир қилган шахсларга қўлланади. Давлатнинг мажбурлов чораси турли-туман бўлиб, жиноий жазо сифатида қўлланадиган мажбурлов чораси фақат жиноят қонунида кўрсатилади.

Жиноят қонунида кўрсатилмаган ҳар қандай бошқа мажбурлов чоралари жиноий жазо ҳисобланмайди.⁷

И.И.Карпец «Жиноят қонуни ва жазо жамиятнинг турмуш тарзига, давлатнинг молиявий ва иқтисодий аҳволига, жамиятнинг ижтимоий муносабатларини ўзида мужассамлаштирган ижтимоий тузумига ва шу асосда шаклланган этник ва ҳуқуқий қадриятларига мувофиқ бўлиши керак», – деб таъкидлаган.⁸

Жиноий жазо маҳкумнинг айрим ҳуқуқ ва эркинликларидан маҳрум қилиб ёки уларни чеклаб, маҳкумга маълум даражада жафо келтирсада, аммо жисмоний азоб бериш ёки инсоний кадр-қимматини камситишга йўл қўйилмайди. Жазонинг турига боғлиқ ҳолда маҳкумларнинг ҳуқуқий чеклаш доираси ҳар хил бўлади.

ЎзР ЖКнинг 7-моддасида жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон кадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди⁹, деб таъкидланади.

Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланиши кераклиги айтилган.

Жиноий жазонинг давлат номидан фақат суд томонидан тайинланиши Конституциявий қоида бўлиб, Ўзр Конституциясининг 26-моддасида «Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб

⁵ Салаев.Н.С. Жиноий жазо: ижтимоий фалсафий тушунишга уриниш // Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили. Uzbek Law Review. Обзор законодательства Узбекистана.Т: - 2016, № 4. - Б. 58-60.

⁶ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.03.2021 й., 03/21/679/0256-сон.

⁷ Усмоналиев.М. Ҳозирги замон жиноят ҳуқуқи муаммолари. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2006. – 325 бет.

⁸ Карпец.И.И. Наказание. Социальные, правовые и криминологические проблемы. М.,1973

⁹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси, 1994 йил 22 сентябрь, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 1-сон.

чикилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди»¹⁰, - дейилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят - процессуал кодексининг 12-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ жиноят ишлари бўйича одил судловни фақат суд амалга оширади»¹¹, дейилади.

Шундай қилиб, жиноий жазо жиноятчиликка қарши курашнинг асосий воситаси бўла олмайди, аммо шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, инсоният хавфсизлигини алоҳида шахсларнинг ёки бир гуруҳ шахсларнинг тажовуздан ҳимоя қилишнинг муҳим воситаси бўлиб қолаверади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон республикаси президентининг “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2021 йил 16 июндаги ПФ-6247- сонли Фармони 14-банди, <https://lex.uz/docs/5459107>
2. Ўзбекистон Республикасининг «Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 38-39-сон, 420-модда; 2017 й., 35-сон, 916-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.03.2019 й., 03/19/530/2769-сон, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685- сон).
3. Ўзбекистон республикасининг “Маҳкумларнинг ҳамда қамокда сақланаётган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2019 йил 14 март куни ЎРҚ-530-сонли қонуни, (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.03.2019 й., 03/19/530/2769-сон).
4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, <https://www.lex.uz/acts/111453>
5. Олий суд. Стат.уз. <https://stat.sud.uz/file/2021/>.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 8.12.1992 йил. © 2015 - 2021 – www.constitution.uzh, <https://constitution.uz/uz/clause/index>.

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.02.2021 й., 03/21/675/0126-сон.